



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ГРЕК ЁНГОГИНИ ДУНЁ БОЗОРЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА РАҶОБАТБОП НАВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Инобатов Аброр Бошларович,

Тошкент давлат аграр университети тадқиқотчиси,

“Агробизнес ва инвестицион фаолият”

кафедраси катта ўқитувчиси;

e-mail: inobatov83@bk.ru

ORCID: 0000-0003-0288-8798

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикада ёнгоқ бизнесини ривожлантириши ушибу жа-раённинг ҳуқуқий консультациясини кенгайтириши имкониятлари ёритилган. Ўзбекистон Осиё мамлакатлари орасида иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари билан етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиши, қишлоқ хўжалиги соҳасининг экспорт салоҳиятини ошириши ҳамда жаҳон бозорида муносаб ва мустаҳкам ўрин эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Грек ёнгоги етишиши, соҳани замонавий технологиялар асосида ривожлантириши, ишлаб чиқаришга жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулот етишиши имкониятига эга бўлган грек ёнгоги навлари, тежсамкор ва раҷабатбоп навлар, плантация, вегетатив, ийллик самарали ҳарорат миқдори, тоғли ва тоғолди ҳудудлари.

**Калим сўзлар:** грек ёнгоги, экспорт, бизнес, рацион, ихтисослаштириши, таваккалчилик, интенсив технологиилар, пайвандлаш, селекция, раҷабатбоп навлар, плантация, вегетатив, ийллик самарали ҳарорат миқдори, тоғли ва тоғолди ҳудудлари.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ СОРТОВ ГРЕЦКОГО ОРЕХА, ВЫРАЩЕННЫХ В УЗБЕКИСТАНЕ, ДЛЯ ЭКСПОРТА НА МИРОВЫЕ РЫНКИ

Инобатов Аброр Бошларович,

соискатель, старший преподаватель кафедры

“Агробизнес и инвестиционная деятельность”

Ташкентского государственного аграрного университета

**Аннотация.** Авторы в данной статье оценивают возможности развития в республике орехового бизнеса и расширения правового закрепления данного процесса. По экономическому потенциалу и возможностям Узбекистан является одной из лидирующих среди азиатских стран. Особое внимание в стране уделяется модернизации и диверсификации экономики, увеличению экспортного потенциала аграрного сектора и завоеванию достойного и прочного места на мировом рынке. Выращивание греческого ореха, развитие этой отрасли на основе современных технологий, внедрение новых сортов греческого ореха, экономичных и цифровых агротехнологий позволяют производить продукцию, отвечающую требованиям мирового рынка, улучшить качество продукции и увеличить количество рабочих мест и производительность в отрасли. В статье использованы обширные аналитические материалы относительно производства и экспорта греческого ореха.

**Ключевые слова:** орех греческий, экспорт, бизнес, рацион, специализация, риск, интенсивно-технологичные сорта, прививка, селекция, конкурентоспособные сорта, на-



саждение, вегетативный, годовая эффективная температура, горные и предгорные районы.

## THE USE OF COMPETITIVE VARIETIES OF WALNUT GROWN IN UZBEKISTAN FOR EXPORT TO WORLD MARKETS

Inobatov Abror Boshlarovich

Senior Lecturer of the Department  
“Agribusiness and investment activities”,  
Tashkent State Agrarian University

**Abstract.** Authors of this article assess feasibilities for developing of a nut business in the republic and expanding the legal consolidation of this process. Uzbekistan is one of the leading countries with its economic potential and opportunities among Asian countries. Emphasis is placed on modernizing and diversifying the country's economy, increasing the export potential of the agricultural sector and gaining a worthy and solid place in the world market. Walnut cultivation, development of the industry on the basis of modern technologies, introduction of walnut varieties, economic and digital agro-technologies, which enable making the produce that meet the requirements of the world market, will improve product quality and increase labor productivity in the industry. They provide extensive analytical materials regarding the production and export of walnuts.

**Keywords:** Walnut, export, business, ration, specialization, risk, intensive technology varieties, grafting, selection, competitive varieties, plantation, vegetative, annual effective temperature, mountainous and foothill areas.

### Кириш

Ёнгоқ етишириш бугунги кунда дунёда боғдорчилик соҳасининг тез ўсиб борувчи тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Сайёрамизда инсониятнинг озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабининг ортиши натижасида қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳажмини янада кўпайтириш ва ишлаб чиқариш, сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан доимий таъминлаш, ишлаб чиқариш таркибини муттасил диверсификациялаб бориш, замонавий технологиялар асосида махсулот етишириш, уни тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг самарали тизимларини шакллантиришда ёнгоқ махсулотлари муҳим аҳамият касб этади.

Грек ёнгоининг асосий экспортёрлари АҚШ, Украина, Чили, Гонконг, Ҳиндистон, Хитой ва Европа иттифоқи давлатлари ҳисобланади. Грек ёнгоини экспорт қилиш ҳажми ҳам 545,4 минг тоннадан 703 минг тонна ёки 129 фойзга ортиб бораётгани грек

ёнгоининг инсонлар озиқ-овқат рационидаги аҳамияти ортишини кўрсатади.

Мевали ўсимликлардан ёнгоқ мағизли мевасининг аҳоли озиқ-овқати таркибидаги аҳамияти жуда катта. Ёнгоқ ўзининг мазаси жиҳатидан бошқа мевалардан устунлиги билан ажralиб туради ва шу сабабдан ҳам мамлакатимиз аҳолиси уни қўп истеъмол қиласди.

Ўзбекистонда табиий ёнгоқзорлар, асосан, тоғли ва тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган, чунки бу ерларнинг тупроқ ва иқлим шароитлари ёнгоқ ўсимлигининг биологик талабларига жавоб бера олади. Республикамизда ўрмон фонд ерларининг 10 фоизи тоғ ҳудудларига тўғри келади ва бу майдонларда, асосан, ёнгоқ етишириш мумкин. Аммо сўнгги йилларда тоғолди ва тоғли ҳудудларда аҳоли сонининг ортиши, инсон омилининг салбий оқибатлари кучайиши натижасида ёнгоқ мевали ўрмонлар майдони анча қисқарди. Даражтлардан ўтин сифатида фойдаланиш, ёнгоқ дараҳтининг



мебель саноати учун қимматбаҳо хомашё саналиши, дурадгорлик ишларида фойдаланиши натижасида кўплаб ёнғоқ навлари камайиб кетди, ҳатто йўқолиш хавфи туғилди. Яна бир муаммо – мавжуд ёнғоқларнинг асарияти тарқоқ ҳолда ўсмоқда. Плантациялар шаклида етиштирилаётган майдонлар кам. Ана шу тарқоқ ўсаётган ёнғоқзорлар атрофини кенгайтириш ва сифатли навлар етиштириш орқали уларни сақлаб қолиш долзарб масала саналади.

Шу билан биргаликда, тиббиётда грек ёнғофининг меваси, пўчоқлари, барглари, илдизидан турли соҳаларда, хусусан, доривор восита сифатида кенг фойдаланилади. Ҳозирги пайтда тарқоқ ёнғоқзорлар майдони 3 минг гектардан ортиқни ташкил қиласди. Уларда, асосан, 80 дан ортиқ навлар ўстирилади. Тезпишар “Идеал”, “Юбилейный”, “Дўрмон-1”, “Дўрмон-2” каби навлар кўплаб етиштирилади. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан ҳозирги кунда университетимиз олимлари янги, серҳосил навлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришимоқда.

Ёнғоқлар туркумига 21 та тур ва 5 та кенжा тур мансуб бўлиб, улар табиий шароитда Осиё, Европа ҳамда, айниқса, Шимолий ва Жанубий Америкада кўп ўсади. Ушбу туркум куйидаги 4 та гурухга (секцияга) бўлинади.

Ёнғоқнинг Чандлер, Идеал, Юбилейный, Франкетт, Бўстон навларига кимёвий ишлов берилиши натижасида уларнинг зараркунанда ва касалликларга чидамлилиги аниқланган. Фарғона вилоятининг Данғара ва Қўштепа туманлари (3 га), Тошкент вилоятининг Бўстонлик ва Қиброй туманлари (3 га) ҳамда Самарқанд вилоятининг Ургут ва Жомбой туманларида (4 га) ёнғоқзорлар ташкил этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги №02/021-1278-сон Маълумотномаси). Бунинг натижасида ёнғоқзорларнинг хар бир гектаридан 96 % ҳосил олинган.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Кўплаб хорижлик олимлар ёнғоқ етиштиришни ривожлантириш масалаларига оид тадқиқотлар олиб боришган. Жум-

ладан, эронлик тадқиқотчи Маҳмуд Бахшинежаднинг «Сравнительные преимущества культуры семейства ореховых в Иране» мавзусидаги номзодлик диссертациясида Эрон ёнғоқ ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда мавжуд нисбий устунликни ошириб бориш учун юқори салоҳиятга эга эканлиги келтириб ўтилади. Унинг моддий техника базасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, инфратузилмани такомиллаштириш кабиларни ўз ичига олган самарали ишлаб чиқариш учун мос шароитлар яратишга оид чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Австралиялик H. Adem & Peter H. Jerie муаллифлигидаги «Walnut Industry. Research & Best Practice Implementation» ҳисоботида ёнғоқ етиштирувчилар ассоциацияси шаклида ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш истиқболлари кўриб чиқилган. Бунда ташкилий масалаларга кўпроқ тўхталиб, ёнғоқ кўчатларини тайёрлаш, экиш, ишлов бериши жараёнлари самарадорликка эришишда муҳим омиллар эканига ургу берилган.

Шунингдек, ёнғоқзорларнинг ривожланиш даврида йилма-йил даромад ва харатжатлар таққослаб чиқилган ҳамда маҳсус инвестицион дастурлар, солиқ имтиёzlари орқали бунга эришиш мумкинлиги таклиф этилган. АҚШлик тадқиқотчилар Larry Harper, Dr. William Kurtz нинг “Economics of Eastern Black Walnut Agroforestry Systems” мақоласида Миссури асосий агро-ўрмон тизимида ёнғоқ дарахтлари рентабеллиги таҳлил этилган. Кўпгина ҳолларда корхонанинг барқарор рентабеллиги деярли ёнғоқ ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади. Ушбу қарорни қабул қилиш тизимнинг бошқарув устуворликлари қўллаб-қувватланадиган дарахт экинларига қаратилиши кераклигини тақозо этади. Бу шуни англатадики, бир ёки бошқасини маъқуллайдиган қарор қабул қилинганда, биринчи навбатда, ёнғоқ дарахтлари олинади.

Б. Ҳамроева, Б. Ванеква, Шевченко ва Цилориклар ёнғоқдаги касалликнинг ривожланиш манбаи – замбуургнинг перитецийларини йўқотиш ўта муҳим агротехник тадбир ҳи-



собланиши, бунинг учун тўкилган баргларни тўплаб йўқотиш, дараҳт таги ва атрофидаги тупроқни ағдариш ҳамда ўғитлаш бўйича керакли тавсияларни бериб ўтган.

### Асосий қисм

Узоқ тарихий ўтмишда грек ёнғоғи ахоли томонидан селекция қилинган. Натижада унинг йирик мевали, пўсти юпқа серҳосил навлари вужудга келган. Ҳозирги вақтда ёнғоқ Украина, Шимолий Кавказ, Краснодар ва Ростов вилоятларида кўплаб ўстирилади. Марказий Осиё тоғларида ёнғоқ олма, тоғолча, дўлана, қорақанд, наъматак четандан иборат, яъни ёнғоқ мевали табиий ўрмонлар ҳосил қилган. Ушбу ўрмонлар муҳим ўрмон мелиоратив функцияларни баҷаради.

Узоқ ўтмишда Марказий Осиё худудида ёнғоқзорлар ҳозиргидан анча кенгрок майдонларни эгаллаган, лекин иқлимнинг совиб кетиши ёнғоқзорлар майдони қисқаришига олиб келган. Ёнғоқ ўрмонларининг сақланиб қолган энг катта табиий массиви (30 минг га) Фарғона ва Чотқол тизмаларининг ёнбағирларида жойлашган.

Бу ёнғоқзор ўрмони ёнғоқнинг қимматли генофонди бўлиб, дунёда ягонадир. Ушбу ёнғоқ ўрмонлари денгиз сатҳидан 1000-2000 м баландликда жойлашган.

Сўнгти йилларда грек ёнғоғи етиштириш республикамизда ҳам кенгайиб бормоқда. Грек ёнғоғи дараҳти 300-400 йиллар давомида умр кўриб, ҳосил бериши боисидан боғбонларнинг бир неча авлоди бугунги кунда қилинган инвестиция ҳисобига келаҗакда ҳам даромад қилишади.

Бугунги кунда республикада грек ёнғоғи фермер хўжаликлари ва асосан, дехқон хўжаликлари томонидан тоғли ва тоғолди худудларида етиштирилади. Бу аксарият ҳолларда ёввойи ҳолда ўсувчи грек ёнғоғи ва ушбу ёнғоқнинг кўчатларидан яратилган ёнғоқзорлар ҳисобига амалга оширилади. Айни пайтда, таъкидлаш лозимки, ёввойи грек ёнғоғи кўчатлари 8-10 йилдан кейингина ҳосил бера бошлайди. Шу билан бирга, икки йилда бир марта ҳосил бериши кўпинча соҳага инвестиция киришини сенинлаштиради. Бугунги кунда олимлар грек

ёнғофининг инсон организми учун фойдали хусусиятларини бот-бот таъкидламоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, грек ёнғоғидан узоқ йиллар давомида 250-300, ҳатто 500 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Қолаверса, бу унчалик кўп меҳнат ва харажат талаб қилмайди. Шундай экан, икки-уч туп ёнғоғи бор оила бир йилда қанча даромад олишини ҳисоблаш қийин эмас.

«Ақрамов Олимжон Турғун ўғли» дехқон хўжалиги оилавий томорқасидан грек ёнғоғи етиштириш натижасида олган даромади ва харажатлари таҳлилини ўрганганимизда, қуйидаги натижаларга гувоҳ бўлдик. Оила аъзолари давлат корхоналарида ишлиши баробарида ўз томорқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради ва даромад қиласи. Оилада ёнғоқ экилган майдон 3 сотихни ташкил қиласи. Кўйида томорқадан 2020 йилда олинган натижа ва кўчут сони келтирилган.

1 туп грек ёнғоғи дараҳти 150 кг ҳосил беради. Жами 6 туп грек ёнғоғи дараҳти  $6 \times 150 = 900$  кг йиллик ҳосил беради. Бир туп грек ёнғоғи дараҳти учун меҳнат харажатлари (50 минг сўм шакл бериш + 20 минг сўм тагини юмшатиш + 20 минг сўм суфориш + 90 минг сўм касалликларга қарши курашиш + 60 минг сўм  $4/5$  турдаги ўғитларни қўллаш + 80 минг сўм мевасини териш учун + 15 минг сўм меваларни бозорбоп турларга ажратиш + 10 минг сўм йиғилган ёнғоқ мевасини ташиш) 345 минг сўмни ташкил қиласи.

Бир туп грек ёнғоғи дараҳтидан олинадиган ҳосил меваси 150 кг ни ташкил қиласи. Олти туп грек ёнғоғи дараҳтидан олинадиган ҳосилдорлик натижаси пул қийматида қуйидагича кўринишда бўлди:  $(150 \times 20\ 000) = 3\ 000\ 000$  сўм. Олти туп грек ёнғоғи дараҳтидан олинадиган ҳосилдорлик натижаси эса пул қийматида  $900 \times 20\ 000 = 18\ 000\ 000$  сўм ни ташкил қиласи. Ялпи ҳосил қиймати  $-18\ 000\ 000$  сўмдан  $2\ 070\ 000$  сўм харажатни олиб ташлаганда = соғ фойда  $15\ 930\ 000$  сўмни ташкил қиласи.

Ушбу оила меҳнат фаолиятида оила бизнесини маъқул кўрмоқда. Чунки оилавий бизнесдан келадиган даромад давлат корхонасида ишловчи, яъни ноқишлоқ хўжалиги



соҳаларида банд оила аъзоларининг даромадидан анча юқори.

Хулоса қилиб айтганда, оила аъзоларининг меҳнати асосида ташкил этилган дехқон хўжаликлари жамиятнинг бошлиғич бўғини экан, унинг манфаати ва ҳёти юксак даражада бўлиши жамиятнинг энг олий мақсади ҳисобланади. Мана шу мақсадга эришишда инсонларнинг фаровон яшашини таъминлаш бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатимизда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан белгиланади. Оила фаровонлиги моддий неъматларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлик, бунинг учун эса оила даромадлари юқори бўлиши керак.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3025-сонли “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ва унинг ижроси доирасида республикамизга кириб келаётган жаҳон бозори талаблари доирасидаги маҳсулотлар етиштириш имконини берувчи грек ёнғоғи навлари асосида плантациялар ташкил қилиш тадбирлари республикамизнинг тоғли, тоғолди лалми дехқончилик худудлари салоҳиятидан (лалми ер майдонлари, шаклланган тажрибалар, иқлим шароитлари, булоқ сувлари, ер ости сувлари) унумли фойдаланиш имконини янада кенгайтиради. Шунингдек, мазкур қарор ижроси доирасида ички ва ташқи бо-

зорлар учун рақобатбардош ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий тажрибаларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуllар ва интенсив технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами ҳам кенгаймоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистонда ёнғоқнинг куйидаги навлари давлат рўйхатидан ўтган: Бўстонлиқ нави. Бу дараҳтнинг бўйи ба-ланд бўлиб, тўртинчи йили ҳосилга киради. Ёнғоғи йирик, кенг тухумсимон. Бу нав совукқа чидамлилиги ва ҳар хил касалликларга бардошлилиги билан ажралиб туради.

Ёнғоқнинг Тошкент-2, Тошкент-3, Юбилейный навлари ҳосили думалоқ, учи сал кўриниб турадиган бўлиб, битта ёнғоқнинг оғирлиги 11,7 грамм, мағиз чиқиши 50,4 фоизни ташкил қиласди. Мағзи мазали, пўчоғидан ажралиши бирмунча қийинроқ, мўл ҳосилли нав ҳисобланади. Баҳорги совукларга чидамли, тезпишар, пайванд қилинган кўчатлар тўртинчи йилдан ҳосилга кириб, сентябрнинг ўрталарида пишади.

Паркент туманининг фермер хўжаликлиари ҳамда аҳоли томорқаларида грек ёнғоғи етиштириш қулай бўлиб, тоғ ва тоғолди худудларида, дарё-сойлар бўйида, қир-адирлар ҳамда текисликларда, аҳоли томорқаларида етиштириш мумкин. Ёнғоқ сувга талабчан, куёш ва иссиқсевар дараҳт бўлиши билан бирга, парваришилаш содда технологияни талаб қиласди.

## 1-жадвал

### Ўзбекистонда ёнғоқ меваси мағзи сифатлилиги ва жаҳон бозорида товарлилик хусусиятининг кўриниши

Гурӯхлар	Ёнғоқ оғирлиги, г	Балл	Гурӯх	Мағизнинг чиқиши, %	Балл
Жуда майда	6,1-8,0	1	Жуда юқори мағизга эга	56,0 дан юқори	5
Майда	8,1-10,0	2	Юқори мағизга эга	53,1-56,0	4
Ўртacha	10,1-12,0	3	Ўртacha мағизга эга	49,1-53,0	3
Йирик	12,1-14,0	4	Кам мағизга эга	45,1-49,0	2
Жуда йирик	14,1 дан юқори	5	Жуда кам мағизга эга	45,1 дан паст	1



Маҳаллий ахоли томонидан табиий ёнғоқзорларда қимматли хўжалик хусусиятга эга бўлган шаклларни ажратиб олиш кўп-лаб амалга оширилган бўлиб, ушбу шакллар ёнғоқ мевасининг сифатини аниқлашда бо-зорда рақобатбоп бўлиши, мевасининг кат-талиги ва кўриниши, мағзининг дунё бозори талабида оқ бўлиши, энг муҳими, сифат ва баҳо омили кўрсаткичларига эга бўлиши ҳамда юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради.

Тошкент, Сурхондарё, Жиззах вилоятларининг Бўстонлиқ, Паркент, Қибрай, Оҳангарон, Бойсун ва Зомин туманларида-ги мавжуд ёнғоқзорлардан танлаб олинган грек ёнғоғи сифат кўрсаткичлари уларнинг шаклларини баҳолаш орқали амалга оширилди. Масалан, дунё бозорида маҳсулот етиштириш мумкин бўлган ёнғоқнинг “Чандлер” нави меваси йирик, пўчоғи юпқа ва мағзи оқ бўлиб, бугунги кунда жаҳон бозори талабига тўла жавоб беради. Одатда, ушбу нав асосида боғ ташкил қилишда гектарига 200 туп дараҳт жойлашади.

Икки йиллик кўчат экилгач, уч йилдан сўнг ҳосилга кириб, 8-йилга бориб ҳар бир дараҳт ўртacha 40 килограмм ҳосил бера бошлайди. Демак, 1 гектар ёнғоқзордан ўртacha 8 тонна ҳосил олиш имкони пайдо бўла-ди. Агар ёнғоқнинг ўртacha бозор баҳоси 20 минг сўм эканини инобатга олсак, шу пайт-гача фойдаланилмаган тоғолди ҳудуддаги бир гектар майдондан 160 миллион сўмли маҳсулот етиштириш мумкин. Ушбу нав-нинг дараҳтлари 15-20 йилдан сўнг ҳар бир туп дараҳт ҳисобига 180-200 килограмм-гача юқори сифатли ҳосил бера бошлайди.

Грек ёнғоғи меваси ва барча вегетатив органлари ҳам иқтисодиёт тармоқлари учун зарур эканлиги боис, таъбир жоиз бўлса, ёнғоқчиликни чиқитсиз технологияга асосланган ишлаб чиқариш сифатида баҳолаш мумкин. Дараҳт ёғочи мебелсозлик саноати учун қимматбаҳо хомашё бўлса, баргидан тортиб мевасигача шифобаҳш хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, қадимдан халқ табобатида грек ёнғоғининг барвлари, гуллари, мева ғўраси, пўстлоғи,

пўчоғи, мағзининг пўстлоғи ва ёнғоқ мойи-дан кенг фойдаланиб келинаётгани бунинг яққол далилидир.

Шунинг учун ҳам лалми ерлардан фой-даланишни рағбатлантириш ва самарадор-лигини янада ошириш, ички ва ташки бозор-ларда рақобатдош бўлган грек ёнғоғи ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш зарур.


Грек ёнғоғи республиканинг барча ху-дудларида экилади. Тошкент вилояти Бўс-тонлиқ тумани қияликларининг катта ер майдонларида ёнғоқзорлар мавжуд. Бу ер-даги ёнғоқзорлар нав таркибининг яхшили-ги билан бошқа ёнғоқзорлардан фарқ қилиб, улар танлаш йўли билан ёввойи грек ёнғоғи дараҳтларидан келиб чиққан.

Юқорида тилга олинган ёнғоқ етишти-ришнинг юқори даромадли ишлаб чиқариш тури сифатидаги муҳим хусусиятларидан бири, яъни ички бозорда ва шунингдек, ташки бозорда грек ёнғоғига талаб доимий-лиги, талабнинг миқдори муттасил ортиб бориши қўйидаги ҳолатлар билан бевосита боғлиқ:

– бугунги кунда ёнғоқнинг озиқ-овқат сифатидаги, инсонлар рационидаги аҳамия-тини илм-фан аниқ ва мунозарасиз кўрсат-кичлар билан исботлади ҳамда жамоатчи-лик онгига тобора кенгроқ сингдириб бо-рилмоқда;

– жаҳон бозорида ёнғоқ етиштириш ҳажмининг унга бўлган талабдан анча кам-лиги, дунё мамлакатлари ўртасида ёнғоқ сифатини бузмасдан, ҳажмини камайтир-масдан (нобудгарчиликлар ва табиий йўқо-лиш ҳисобига) ташишга жуда қулайлиги савдо соҳасида тадбиркорлик субъектлари учун юқори даражадаги жозибадорликни юзага келтиради.

Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, жаҳон бозоридаги грек ёнғоғининг товар-лилик хусусиятлари (истеъмол қиймати) қўйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади (1-расм):



**1-расм. Грек ёнгогининг жаҳон бозоридаги товарлилик  
хусусиятини белгиловчи кўрсаткичлар**

Манба: Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар дунё ёнгөк бозоридаги талабни ўзида акс эттириши билан биргаликда, ишлаб чиқарувчининг (тадбиркорнинг) фойда олишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам юқори даромад келтирадиган ёнгөкзорлар ташкил қилишда (дехқон хўжаликлари томорқаларида ёнгөк экишда) ёнгөк навларини танлаш ўта долзарб масала ҳисобланади. Чунки нотўғри танланган грек ёнгоги нави ишлаб чиқарувчига ўз ихтиёридаги ердан фойда олиш имкониятини яна бир неча йил орқага сурини, узоқ йилга мўлжалланган ҳолда қилинган меҳнат ва сарф-харажатларнинг бесамар сарфланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишончли сотувчилардан кафолатланган ёнгөк кўчатларини харид қилишга эътибор қаратиш лозим. Бу борада ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасаларидан кўчатларни харид қилиш тавсия қилинади. Шунингдек, мутахассисларни жалб қилган ҳолда, олдин экилган ёнгөк кўчатларини пайвандлаш усулидан ҳам кенг фойдаланиб, бозор талабига жавоб

берадиган, сифатли ҳосил берувчи ёнгөкзорларни ташкил қилиш амалиётидан фойдаланиш зарур.

Шунинг учун ҳам ҳозирда республика “Ёнгоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси” жаҳон бозорида ҳаридоргир (меваси йириқ, юпқа пўчоқ ва оқ мағизли, экилгандан кейин 5 йилдан бошлаб ҳосилга кирувчи ва саккизинчи йилга бориб ўртача ҳар туп ёнгөк 30-35 килограммгача ҳосил бериш салоҳиятига эга) ҳисобланган, Калифорнияда яратилган (АҚШ) грек ёнгогининг “Chandler” нави асосида Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманида ёнгөк плантацияси ташкил қилинди. Ушбу ёнгөк нави ҳосилдорлиги, мева сифати яхшилиги, иқлимга мослашувчанлиги туфайли ҳозирда Туркия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Руминия, Болгария, Украина, Австралия, Чили каби дунёning турли давлатларида экиб парвариш қилинмоқда.

Аграр соҳасининг FAOSTAT маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсақ, юқо-



ри калорияли, экологик жиҳатдан фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида сўнгги 5 йил давомида АҚШ да грек ёнғоғи истеъмоли ҳажми икки мартаға ўсган, шу билан бирга, талаб ортиши натижасида ушбу маҳсулотнинг ўртача баҳоси деярли 3 мартаға ортган. Жумладан, Европа давлатларида ҳам шу йилларда бир килограмм грек ёнғоғи баҳоси 3,5 евродан 10 еврогача ортганлигини кузатиш мумкин. АҚШнинг Бруклин озиқланиш институти (Вашингтон) олимлари Америкадаги “ёнғоқ тўполони”ни инсонларнинг натурал маҳсулотлар истеъмолига қайтиши билан баҳолашмоқда. Айни пайтда ёнғоқ истеъмолига бўлган талабнинг ортиши юқорида таъкидланган сабаблар ҳамда уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ хусусиятларга бевосита алоқадор ҳолда ҳам юз бермоқда. Хусусан, дунё ёнғоқ бозори маҳсулот билан

миқдор жиҳатидан ҳеч қачон тўйинмаган. Шу билан биргаликда, бу борадаги мутахассисларнинг фикрларига таянадиган бўлсақ, яқин келажакда дунё ёнғоқ бозорида маҳсулот билан тўйиниш юз бермайди. Яъни грек ёнғоғи истеъмолига бўлган талаб таклиф билан миқдор жиҳатидан таъминланмайди.

Грек ёнғоғига бўлган бозор талабини қондириш борасидаги муаммолар, биринчи навбатда, грек ёнғофининг ўсиб, маҳсулот бериши билан боғлиқ географик ҳудудларнинг сайёрамизда жуда чекланганлиги билан изоҳланади. Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамизда ер фондининг фақатгина 4-7 фоизи грек ёнғофини етиштириш учун яроқли бўлиб, ёнғоқ етиштириш учун қулай ҳудудларда жойлашган давлатлар ушбу табиий-географик имкониятлардан унумли фойдаланишлари мумкин.

## 2-жадвал


### Дунёда 2013/2014–2018/2019 йилларда грек ёнғоғи етиштириш ва истеъмол қилиш динамикаси (тонна, пўчоги тозаланмаган ёнғоқ)

Давлатлар номи	2013/14	2014/15	2015/16	2016/17	2017/18	Октябрь 2018/19
<b>Ишлаб чиқариш ҳажми</b>						
Хитой	780,000	900,000	1,000,000	1,060,000	1,000,000	850,000
АҚШ	446,335	518,003	549,754	622,329	571,527	625,958
Европа иттифоқи давлатлари	110,000	107,900	117,928	116,670	121,000	130,000
Украина	115,790	102,740	115,080	108,000	108,500	127,000
Чили	60,000	81,634	80,000	119,000	97,500	120,000
Туркия	75,000	40,000	60,000	63,000	58,000	63,000
Молдова	23,100	32,000	30,000	31,000	33,400	35,000
Бошқалар	50,950	43,570	42,100	41,200	42,300	44,500
<b>Жами</b>	<b>1,661,175</b>	<b>1,825,847</b>	<b>1,994,862</b>	<b>2,161,199</b>	<b>2,032,227</b>	<b>1,995,458</b>
<b>Ички истеъмол ҳажми</b>						
Хитой	854,300	956,400	1,075,500	1,088,200	989,200	830,000
Европа иттифоқи давлатлари	262,100	278,500	310,228	355,470	399,700	425,000
АҚШ	154,922	140,532	134,576	191,759	171,249	200,600
Туркия	115,100	101,100	142,500	160,100	131,700	135,000
Япония	29,000	38,000	40,400	45,800	47,800	50,000
Хиндистон	26,400	32,700	43,400	45,500	47,500	47,000
Украина	40,590	43,140	39,380	52,600	26,300	42,300
Жанубий Корея	29,100	33,900	31,400	32,100	28,400	30,000
БАА	17,100	14,300	15,100	32,600	27,500	30,000
Бошқалар	1139,550	1131,211	154,350	141,068	143,925	161,600
<b>Жами</b>	<b>1,668,162</b>	<b>1,769,783</b>	<b>1,986,834</b>	<b>2,145,197</b>	<b>2,013,274</b>	<b>1,951,500</b>

Манба: Грекие орехи: мировое производство, потребление, экспорт-импорт. Годовой отчет USDA. <http://givemebid.com/greckie-orexi-mirovoe-proizvodstvo-potreblenie-eksport-import-godovoj-otchet-usda-2>



## ДУНЁДА 2013/2014–2018/2019 ЙИЛЛАРДА ГРЕК ЁНГОГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРДА



**2-расм. Дунёда 2013/2014 – 2018/2019 йилларда грек ёнғоги ишлаб чиқариш ҳажми айрим давлатларда**

Манба: Гречкие орехи: мировое производство, потребление, экспорт-импорт. Годовой отчет USDA. <http://givemebid.com/greckie-orexi-mirovoe-proizvodstvo-potreblenie-eksport-import-godovoj-otchet-usda-2>

Таҳлилларнинг кўрсатишича, дунёда грек ёнғоги ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг истеъмоли миқдори суръати муттасил ўсиб бормоқда (1-расмга қаранг). Хусусан, 2013–2014 йил мавсумида дунё бўйича Хитой 780,000 тонна грек ёнғоги етиштирган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқаришнинг миқдори 850,000 тоннани ташкил қилган. Бу кўрсаткич АҚШ да 2013–2014 йил мавсумида 446,335 тоннани ташкил қилган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқариш миқдори 625,958 тоннага етган. Европа иттифоқи давлатларида 2013–2014 йил мавсумида 110,000 тонна грек ёнғоги етиштирилган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқаришнинг миқдори 130,000 тоннага тенг бўлган. Украинада 2013–2014 йилларда 115,790 тонна грек ёнғоги етиштирилган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқаришнинг миқдори 127,000 тоннага тўғри келган. Чили 2013–2014 йилларда 60,790 тонна грек ёнғоги етиштирган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқаришнинг

миқдори 120,000 тоннага тўғри келган. Туркияда 2013–2014 йилларда 75,000 тонна грек ёнғоги етиштирилган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқаришнинг миқдори 63,000 тоннага тўғри келган. Молдавада 2013–2014 йилларда 23,100 тонна грек ёнғоги етиштирилган бўлса, 2018–2019 йил мавсумига келиб ишлаб чиқариш миқдори 35,000 тоннага тўғри келгани юқоридаги расмда келтирилган.

### Хуносалар

1. Республикамиз шароитида ёнғоқ бизнеси ривожланиб бораётган бўлса-да, ушбу соҳанинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи ва чекловчи қатор хусусиятлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, ички ва ташқи бозорларда грек ёнғогига талаб йилдан-йилга ошиши ҳамда ушбу талабнинг инсонлар ўз соғлиги устида қайгуриши ва ёнғоқнинг фойдаси тўғрисида ахборотга эга бўлиши даражасига тўғри мутаносиблиқда ортиши бозор талаби келажакда ҳам ўсишини англаради.

Иккинчидан, ёнғоқ бизнеси мавсумийлиги, ёнғоқзорлардан қўшимча қишлоқ хўжа-



лиги экинлари экиш мақсадларида фойдаланиш имкони йўқлиги ва инвестиция қайтими узоқлиги соҳага инвестиция киришини секинлаштиради.

2. Бозор талаби ва маҳсулотга бозор баҳоси шаклланиши нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, грек ёнғогига бозор талаби ўзгариши ва баҳо шаклланиши механизми куйидагиларга эътибор қаратишни талаб қиласди:

биринчидан, асрлар давомида республикамиз ҳудудларида грек ёнғоги етиштирилса-да, ахоли томонидан тасодифий танланган ёввойи грек ёнғоги ҳосилдорлиги паст ва маҳсулот сифати бозор талабига жавоб бермайди;

иккинчидан, грек ёнғоги томорқаларда етиштирилиши билан бирга битта томорқанинг ўзида ҳам ёнғоқ, асосан, навсиз майдада мевалилиги, кўриниши, мағзи ажралиши, пўчоғи қалинлиги ҳамда мағзи сифати жиҳатидан турличалиги, бозор талабига жавоб берадиган миқдор ва партиядаги маҳсулотни тайёрлаш қийинлиги маҳсулотнинг бозор баҳосини кескин пасайтиради;

учинчидан, ахоли грек ёнғоги билан, асосан, маҳаллий бозорларда савдо қиласди. Маҳсулот эса турли маросимлар, оила-да истеъмол қилиш ёки уй шароитида пишириқлар тайёрлаш учун харид қилинади. Бунда маҳсулот сифати ҳам маҳаллий бозор талаби асосида шаклланган;

тўртингидан, томорқаларда дараҳтлар сони камлиги, тупроқ унумдорлиги жуда паст бўлган тошлоқ ерларда ёки тоғ дарёлари, сойлар бўйида ўсиши, ҳосилдорлик юқори эмаслиги билан ажралиб туради;

бешинчидан, тоғли ҳудудларда грек ёнғогининг сойлардаги сув бўйлари, тошлоқ ерлар, бошқа экинларни экиш мумкин бўлмаган уватларда онда-сонда экилиши ёнғоқ етиштириш агротехникасига риоя қилишга имкон бермайди.

3. Грек ёнғоги етиштириш ва жаҳон бозори талабига жавоб берадиган сифатли маҳсулот билан бозорга кириш имконини берувчи ёнғоқ дараҳтининг янги навлари ва агротехникасини яратишни рағбатлантириш лозим.

4. Тошкент шахридаги дехқон бозорларидаги қузатишларнинг кўрсатишича, агарда бозор баҳоси шаклланиши жиҳатидан ёндашадиган бўлсак:

– грек ёнғоги меваси йирикроқ бўлса, майда ёнғоқларга қараганда 50 фоизгача қимматроқ сотилади;

– ўтган йилда йиғишириб олинган ёнғоқ янги йиғиб олинган ёнғоққа нисбатан 30 фоизга қимматроқ сотилади (фақат ёнғоқнинг янги ёки эскилигини билиш бир қадар билим ва тажриба талаб қиласди);

– тозаланган ёнғоқ мағзи қимматроқ сотилиши билан биргаликда, тезроқ бузилиши ва ифлосланишини ҳам эътиборга олиш лозим.

## REFERENCES

1. Bolezni greckogo oreha: o chem govoryat chernye pyatna [Walnut diseases: what black spots are talking about]. Available at: <https://www.aptekasadivnyka.ua/ru/plodovye-derevia/orekh/bolezny-hretskoho-orekha-o-chem-hovoriatchernye-piatna/>.
2. Konstantinova M. Diseases of the Greek orex and ix treatment. J. Propozitsiya, 2017, no. 5, pp. 126-129. Available at: <https://propozitsiya.com/bolezni-greckogo-oreha-i-ih-lechenie/>.
3. Osnovnye bolezni greckogo oreha [The main diseases of the walnut]. Available at: <http://asprus.ru/blog/osnovnye-bolezni-greckogoorexa/>.
4. Konstantinova M. Vrediteli greckogo oreha: sistema zashchity [Walnut pests: protection system]. Available at: <https://propozitsiya.com/vrediteli-greckogo-oreha-sistema-zashchity/>.



5. Xushmatov N. The issue of savings in the cultivation of walnuts. J. Agro hydro news socio-economic magazine, 2020, no. 7, pp. 18-19.
6. Xushmatov N. How to save resources in walnut production. J. Agro hydro NEWS socioeconomic magazine, 2020. no. 9, pp. 14-15.
7. Xushmatov N. Cost savings in growing walnuts. J. Agro hydro news socio-economic magazine, 2020, no. 10, pp. 18-19.
8. Inobatov A. Organizational and economic mechanism of increasing efficiency of industrial processing of nuts in Uzbekistan. 2019, pp. 124-128. Available at: <https://ijrcs.org/wpcontent/uploads/IJRCS201911023.pdf/>.
9. How to protect walnuts from disease and harm? Available at: <http://sad.usadbaonline.ru/ru/2014mar/problems/7324/>.
10. Khushmatov N.S., Inobatov A.B. Resource-saving technologies in the cultivation of walnuts in terms of economic evaluation methodological approaches. J. of Contemporary Issues in Business and Government, 2021, vol. 27, no. 1, pp. 957-968. P-ISSN: 2204-1990; E-ISSN: 1323-6903. Available at: <https://cibg.org.au //pdf/>.
11. Inobatov A.B., Khushmatov N.S. Pricing formation and market variability characteristics in walnut cultivation and its delivery to consumers turkish. J. of Computer and Mathematics Education, 16 April 2021, vol. 12, no. 7, pp. 294-301.
12. Umarov S. Scientific-theoretical basis of the innovative development of water resources. 2018.
13. Uzbekistan. Bulletin of Science and Practice, 4 (12), pp. 409-415. (in Russian).
14. Yusupov E.D. Diversification of the activities of business entities in agriculture: theoretical foundations and market principles for its implementation. Russian Electronic Scientific Journal 2018, 12, no. 4 (30). DOI: 10.31563/2308-9644-2018-30-4-162-167.
15. Eshev A.S, Nazarova F.Kh. Influencing factors for the development of agricultural strategy in the republic of Uzbekistan. International journal for innovative research in multidisciplinary field. July 2019, vol. 5, issue 7, pp. 151-160.
16. All the subtleties of the collection and preservation of the walnuts. Available at: <https://www.dacha-svoimi-rukami.com/vse-tonkosti-sbora-khraneniya-gretskikh.html/>.
17. Inobatov A.B. Foreign experience of farming (by the example of farming in Holland). Modern trends of development of the agrarian complex, Salt Zaymishche, 2016, May 11-13, pp. 1521-1523.
18. Inobatov A.B., Khamdamov Sh. Regulation of innovative development of agriculture" Priority directions of development of modern science of young scientists agrarians materials of the v-th international scientific-practical conference of young scientists, dedicated to the 25th anniversary of FSBSI "Caspian research institutes of arid agriculture". 2016, May 13, pp. 1068-1070.
19. Interesnye fakty o greckom orehe [Interesting facts about walnuts]. Available at: <https://inc-news.ru/food/overview/2:83070/>.
20. Useful properties of walnut extract. Available at: <http://nutguide.ru/vidy/greckie/ochishhennogo-oreha>
21. Ozbekistondagi togoldi hududlarda yongoq plantatsiyalari tashkil etiladi. Available at: <https://sputniknews-uz.com/society/20170215/4814762/Ozbe-kistondagi-togoldi-hudud-larda-yongoq-plantatsiyalari-tashkil-etiladi.html/>.
22. Stoit li zahodit v orehovyи biznes. Available at: <http://orehovod.com/articles/612-a-stoit-li-zahodit-v-orehovyи-biznes-v-2017-godu.html>.